



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 223 (12.284)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:
иш ҳақи – ойига 79 590 сўм;
ёшга доир пенсиялар – ойига 155 670 сўм;
болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 155 670 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 95 520 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар

2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан

молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли Фармони (1-бандининг иккинчи хатбоши ва 6-банди истисно қилинган ҳолда), 2012 йилнинг 1 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 9 ноябрь

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг йигирма йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ, аҳоли ўртасида маърифий учрашувлар, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЮКСАЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳақида сўз борди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шу боис мамлакатимизда халқаро андозаларга мос миллий қонунчилик асосларини яратиш билан бирга уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашининг ташкил этилгани бу борадаги ишлар самардорлигини оширишга хизмат қилаётди. Ўтган вақт давомида кенгаш томонидан юридик таълимни ривожлантириш, малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш концепцияси, конференция, семинар ва давра суҳбатларини ўтказишга оид услубий қўлланмалар тайёрланди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Инсон ўзига ярашган либос билан гўзал. «Сенга қандай муносабатда бўлишлари кийимингга боғлиқ» деган ақида бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Негаки, инсоннинг кўринишига қараб, унинг феъли, фаросати ва диди ҳақида бир хулосага келиш мумкин. Янги авлодга мансуб харидорларнинг маҳсулот сифати, уни ишлаб чиқарадиган мамлакат ва хомашёга нисбатан талабчанлиги янада ошган. Улар кўпинча табиий материаллардан тайёрланган, экологик тоза, саломатлик учун фойдали ва қўлай буюмларни афзал кўради. Айниқса, пахтадан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб катта.



ЮҚОРИ СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ МАҲСУЛОТЛАР

Буни ташқи бозорда катта тажрибага эга қўллаб-ишлаб-чиқарувчилар ҳам тасдиқлайди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналари томонидан йилга ўртача 439,5 миллион долларлик маҳсулотлар бугун дунёнинг 49 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Яқинда Бразилия, Бангладеш, Индонезия, Перу, Чили, Колумбия, Франция ва бошқа давлатларга ҳам маҳсулот етказиб бериш йўлга қўйилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соҳани янада ривожлантириш, мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиш ва истиқбол вазифаларини аниқ белгилашга қаратилаётган катта эътибор самарасида компания салмоқли ютуқларга эришмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори тўқимачилик саноати учун ҳам кенг имкониятлар очиб бераётди. Унда соҳани диверсификация қилиш, унинг рақобатбардорлиги ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга катта аҳамият берилган.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик «Uztex» компаниялари гуруҳи томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам харидорлиги билан ажралиб туради. Айни пайтда компания фабрикаларида ип, сурп, гулли матолар, эркаклар, аёллар ва болалар учун бежирим кийимлар ва бошқа кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бу ерда ҳар йили қарийб 6400 тонна турли усулда йигирилган ип, 5400 тонна бўялган трикотаж полатно, 6 миллион дона тайёр трикотаж буюмлар ишлаб чиқарилаётди.

Барча фабрикалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатмоқда. «Uztex-Tashkent» ва «Uztex-Termeh» корхоналарида йигирув ишлаб чиқариши йўлга қўйилган. «Eurotex-Tashkent» трикотаж буюмлар ишлаб чиқарса, «Uztex-Chirchiq»да тўқиш ва бўяш-пардозлаш ишлари бажарилади. Мамлакатимиз энгил саноатининг изчил ривожланиб бораётгани «Uztex» компаниясига ҳам янги фабрикалар ташкил қилиш ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини бермоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 27 декабрда қабул қилинган «2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори доирасида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Хоразм вилоятида

янги «Uztex-Shovot» фабрикаси ишга туширилди. Бу ерда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун қиймати 33 миллион доллардан ортиқ тўғридан-тўғри мамлакатимиз ва хориж инвестициялари жалб этилди. Наҳақ кенг турдаги экспортбоп тўқимачилик маҳсулотлари, жумладан, ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Гўзал ва нафис либослар

Янги кийим харид қилар эканмиз, кўпинча уни ишлаб чиқариш учун қанча куч ва меҳнат сарфлангани ҳақида ўйлаб қоламиз. Чирчиқдаги «Eurotex-Tashkent» тикувчилик фабрикасида ишлаб чиқарилаётган кийимлар рангининг ёрқинлиги, иссиқ иқлим шароитимизга мослиги, қўлайлиги, хушбичимлиги, энгиллиги билан эътиборни тортади.

Фабриканинг ишлаб чиқариш участкаларида бўлганимизда «енгил саноат» атамаси бу ерда амалга оширилаётган жараёнларга унчалик мос эмасдек туюлди. Негаки, бу ерда меҳнат қилиш учун сабр-тоқат, моҳирлик ва ишга бор куч-ғайратни сарфлар қилиш талаб этилади. Матоларни турли бичим ва ҳажмда тикиш учун мўлжалланган юзлаб замонавий машиналар ўрнатилган катта цехларга кирган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Ушбу мураккаб дастгоҳларни ёш йигит-қизларимиз моҳирона бошқармоқда. Улар ўз ишини пухта эгаллагани боис бирпасда барча стандартлар бўйича ўралган буюмлар тайёр бўлаётди.

«Eurotex-Tashkent» компаниясининг ишлаб чиқариш бўйича директори Бахтиёр Убайдуллаев корхонада меҳнат қилаётган мутахассислар маҳоратини профессионал жонлёрларники билан таққослади. Ишчилар маҳорати ва энг янги технологиялар шарофати билан корхона бир йилда олти миллиондан ортиқ буюм ишлаб чиқаришга эришди. «Eurotex-Tashkent» корхонасининг ишлаб чиқариш майдонларида иш 2005 йилда бошланган. Бу ерда фаолият кўрсатаётган тажриба цехида кийимларнинг дастлабки намуналари яратилса, конструкторлик бюросида модельерлар уларнинг янги дизайни ва шакллари ишлаб чиқмоқда, буюмларни бичиш ва тикиш, уларга турли нақшлар босиш, безак бериш, тозалаш, дазмоллаш, белги қўйиш, ўраш ва саралаш участкалари ишлаб турибди. Уларнинг барчаси энг сўнги авлод техникалари билан жиҳозланган.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Наманганда «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада кучайтиришнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ва ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг ролини янада ошириш масаласи атрафлича муҳокама этилди.

● Кармана туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказида «Орас-та қизлар» кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қўйи босқичларида сараланган юз нафарга яқин ўқувчи-қизлар қатнашди.

● Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми Жамоатчилик кенгаши — ижтимоий шериклик шакли» мавзусида видеоконференция бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида болалар учун янги дам олиш ва спорт маскани фойдаланишга топширилди. Бу ерда болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши ва турли хил замонавий аттракционларда кўнгили хордик чиқариши учун барча шароитлар яратилган.

● Урганч шаҳрида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи яқунланди.

● Фаргона шаҳрида анъанавий «Йил аёли» миллий танловнинг вилоят босқичи яқунланди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичида голибликка эришган 19 нафар аёл иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Греция парламенти мамлакатнинг 2013 йилга мўлжалланган бюджетини қабул қилди.

● Кеча Доминикан Республикаси пойтахти Санто-Доминго шаҳрида мамлакат ҳукумати томонидан қабул қилинган мўлжалланаётган солиқ ислохотларига қарши бир неча минг кишилик норозилик намойиши бўлиб ўтди.

● Жанубий Кореядаги Йонгван атом электр станциясининг бир нечта реактори фаолиятчи техник носозликлар сабабли вақтинча тўхтатилди.

● Гватемала президенти Отто Перес Молина мамлакатда юз берган табиий офат оқибатида ҳалок бўлганлар хотирасига уч қунлик миллий мотам эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу мамлакатда юз берган табиий офат — 7,4 магнитудга тенг бўлган зилзила оқибатида 52 киши ҳаётдан кўз юмган, кўплаб уйлар вайронга айланган.

● Бирманинг шимолий қисмида рўй берган 6,8 магнитудали кучли зилзила натижасида камида 12 киши ҳалок бўлди.

● Аргентиналик моҳир ҳужумчи Лионел Месси Испания чемпионатидаги навбатдаги ўйинда киритган тўпи билан машҳур бразилиялик Пеленинг рекордидан ўзиб кетди. Яъни Мессининг ушбу голи 2012 йилги мавсумда киритилган 76-расмий тўп бўлди. Айтиш керакки, футбол қироли Пеле 1959 йилда расмий ўйинларда жами 75 та гол урган эди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** 18-болалар мусика ва санъат мактабида «Янги авлод – 2012» болалар ижодиёти

фестивалининг Яққасарой туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ИМКОНЯТИ** чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-хунар коллежида ўтказилган тадбир «Таълим соҳасидаги

ислохотлар — бунёдкорлик таянчи» деб номланди.

✓ **ЭРТАГА** «Оазис-Асака» ўқув марказида Хамза туман хотин-қизлар кўмитасининг V ҳисобот сайлов конференцияси бўлиб ўтади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корхонада физика-химё лабораторияси ҳам ишлаб турибди. Унда либос тайёрлаш учун ишлатилган деярли барча материаллар, ярим тайёр буюмлар ва тайёр тикувчилик буюмлари мавжуд камчиликларни аниқлаш мақсадида ҳар томонлама назоратдан ўтказилади. Ишлаб чиқаришнинг барча босқичида маҳсулот сифати назорат қилиб борилади. Тайёр маҳсулотларга энг сўнгги сифат назорати белгиси уларни ўрашдан аввал қўйилади.

Айниқса, трансферт нақшлар босиладиган участкалар фаолияти кишини ҳайратга солади. Санокли дақиқалар ичида буюмларда ажойиб ва қувнок мультфильмлар қахрамонлари, порлаб турган қўёш, ранг-баранг гуллар пайдо бўлади. Кўз олдингизда ёз мавсуми жилваланади. Ушбу ишларни бажаришда 450 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади.

Корхона жамоаси асосан ёш йигит-қизлардан таркиб топган бўлиб, уларнинг кўпчилиги касб-хунар коллежлари битирувчиларидир. Уларнинг аксарияти ўқиб юрган пайтларидаёқ бу ерга амалиёт ўташ учун келган ва ўқишни тамомлагач, уч томонлама шартнома асосида ишга қабул қилинган.

– Шу йил ёзда иш бошладим, – дейди кийимларни ўраш бўлими ишчиси Шахноза Жонибекова. – Юқоричирчиқ қурилиш ва сервис касб-хунар коллежида «Кенг турдаги кийимларни моделлаштириш ва лойиҳалаштириш» йўналиши бўйича таълим олаётган пайтимида корхонага ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун келганман. Менга бу ерда ҳамма нарса таниш, курсдошларим ҳам ёнимда. Шунинг учун ҳам баъзида иш вақти қандай ўтганини сезмай қоламиз.

Дарҳақиқат, корхонада меҳнат унвондорлиги юқори ва ишчилар ўртасидаги муносабат ҳам самимийдир. Улар бир-бирининг руҳини кўтариб, аҳилликда меҳнат қилмоқда. Ишчилар «Uztex» ёрлиги босилган маҳсулотлар юқори сифати ва қўлайлиги билан ажралиб туриши, истеъмолчилар уларни мамнуният билан харид қилиши ҳамда муносиб баҳолаши зарурлигини дилдан ҳис этган ҳолда ишга катта масъулият билан ёндашмоқда.

Ишчиларни рағбатлантириш, уларнинг ишда ўзини кўрсатишида «Eurotex-Tashkent» корхонаси юритаётган ижтимоий сиёсат муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу сиёсат ишчи кучи сифатини яхшилаш ва унинг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш механизмининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли ҳар ойда намунали меҳнат қилган ишчиларга мукофотлар берилмоқда, Самарқанд сингари тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилмоқда, турли имтиёзлар тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, ишчилар бепул махсус иш кийими, иссиқ овқат билан таъминланмоқда, уларга тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Корхона ходимларининг фикрича, ҳаётда нафақат моддий, балки маънавий рағбат ҳам муҳим аҳамиятга эга, яъни одам қилаётган меҳнатидан рози ва мамнун бўлиши лозим.

Бундай чора-тадбирлар иш унвондорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Кейинги вақтда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш мураккаб бўлган ва кампада ўттизта тикувчилик операциясини талаб қиладиган 70 дан ортиқ янги маҳсулотларни тайёрлаш ўзлашти-


рилди. Олдинда режалар, қилинадиган ишлар кўп. Чунки «Eurotex-Tashkent» корхонаси мамлакатимизда ҳар йили ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида иштирок этади.

Корхона ишчилари ҳам, раҳбарияти ҳам қутилаётган катта ҳажмдаги буюртмаларни бажаришга тайёр. Негаки, бу ерда 750 замонавий ускуна мавжуд. Бундан ташқари, хомашё масаласида ҳам муаммо йўқ. Чунки хомашёни «Eurotex-Tashkent» билан битта ҳудудда жойлашган «Uztex-Chirchiq» корхонаси етказиб беради.

Ёздаги ранглар жилоси йил бўйи дилларни шод этади

«Uztex-Chirchiq» фабрикасида ишлаб чиқарилаётган ипдан тайёрланган маҳсулот ва аралаш полтронни компания омирларидан доим топиш мум-

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ МАҲСУЛОТЛАР



кин. Бу ерда 50 турдан ортиқ шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

«Uztex-Chirchiq» фабрикасининг ишлаб чиқариш майдонлари ҳам участкаларга ажратилган. Бу участкаларда сурп тайёр маҳсулот – сифатли истеъмол хусусиятларига эга икчийим учун мўлжалланган, силлиқ бўялган, ёки гул босилган матоларга айланмоқда. Шу боис корхонада матоларга пардоз бериш технологияси ипни бўяш, бўяш-пардозлаш ва тўқиш каби бир қанча асосий технологик жараёнларни ўз ичига олади.

«Uztex-Chirchiq»нинг тикувчилик ишлаб чиқариши пойтахтимизда жойлашган. У йилига 6 минг метр сурп ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда жаҳондаги етакчи компанияларда ишлаб чиқарилган технологик ускуналар ўрнатилган.

Ишлаб чиқариш майдонининг катта қисмини бўяш-пардозлаш участкаси эгаллайди. Бу ерда сурпа ишлов бериш учун мўлжалланган катта ускуналар ўрнатилган. Бўяш машиналари худди улкан цистерналарга ўхшайди. Турли русумдаги ушбу ма-

шиналар бир пайтнинг ўзиде 25-1200 килограмм матони бўяш қувватига эга.

Яқинда корхонада ипни бўяш имконияти ҳам пайдо бўлди. Бунга ипни ўраш бўйича янги цехнинг очилиши туфайли эришилди. 2012 йилги инвестиция дастурига мувофиқ корхона хориждан тўқилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берадиган замонавий ускуналарни сотиб олди. Бунинг натижасида қўшимча 45 иш ўрни ташкил қилинди.

«Uztex-Chirchiq» корхонаси директорининг ўринбосари Фазлиддин Сирожиқдировнинг айтишича, ип ва полотно сифатли реактив ранглардан фойдаланган ҳолда бўялмоқда. Улар бўёқнинг турли ташқи таъсирларга чидамлилигини таъминлайди. Корхона мутахассислари 150 турдан ортиқ ноёб рангларни ишлаб чиқди.

Матоларни бўяш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, бу жараёнда одам деярли иштирок этмайди. Шу тариқа маҳсулот проксий бўлишининг олди олинмоқда ва рангли полотно сифати ошмоқда. Ушбу мураккаб конструкцияни муваффақиятли бажармоқда. Шу боис ҳам ранг-баранг газламалар кўзни қувонтирмоқда. Корхонада 100 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, уларнинг катта қисми касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Реактивлар ва рангларни тайёрлаш участкаси ишчиси Азиз Кабиров «Uztex-Chirchiq» корхонасида шу йил июлда ишга кирган. Чирчиқ саноат-иқтисодий касб-хунар коллежида «Ўлчайдиган автоматик приборларни назорат қилиш» йўналиши бўйича ўқиган Азиз яши назарий билимга эга бўлди ва бу унга иш фаолиятида катта ёрдам бермоқда. У келажакда ўз малакаси ва маҳоратини янада оширишни режалаштирмоқда. Бунинг учун эса корхонада барча имконият мавжуд. Негаки, «Uztex-Chirchiq»нинг юқори технологик машиналар парк мунтазам такомиллаштирилиб, янгиланмоқда.

Корхонада матога керакли ранг беришни таъминлайдиган реактивлар ва рангларни тайёрлаш участкаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда турли рангдаги сувоқликлар солинган ўнлаб идиллар бўяш машиналарига уланган. Рангларни тайёрлаш ва етказиб бериш тўлиқ автоматлаштирилган ҳамда бу жараён марказий сервер томонидан назорат қилинади. Рангларни тайёрлаш услуби Американинг «Datacolor» фирмасининг замонавий лаборатория ускунасида фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Интеллектуал назорат технологияси рангларни тайёрлаш услуби бўйича ахборотни сақлаш, бу эса кейинги буюртмаларга ҳам ранглар барқарорлигини сақлаш ҳамда уларни солиштириш имконини беради.

Бўяш-пардозлаш цехида аэродинамик бўяш қувватига эга замонавий машиналар ўрнатилган. Улар ёрдамида оқартирилган, силлиқ бўялган, гул босилган ранг-баранг полотнолар ишлаб чиқарилмоқда. Швейцарияда ишлаб чиқарилган пардозлаш линиясидан фойдаланиш сифатли полотно олиш имконини бермоқда. Электрон бошқарув пультага эга ушбу машина бўяш жараёнининг янада ишончли ва қўлай бўлишини таъминламоқда.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЮКСАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш сифати ва қамровини янада кенгайтирди. Ўзбек ва рус тилларидаги 25 мингга яқин ҳужжат жамланган ушбу базадан фуқаролар бепул фойдаланмоқдалар.

Матбуот анжуманида ҳуқуқий таълим, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, юридик адабиётларни нашр қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Н.АБДУРАИМОВА

ЁШЛАРНИ ЁТ ҒОЯЛАРДАН АСРАЙЛИК

Экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига мафқуравий бўшлиқнинг таъсири катта. Мафқуравий бўшлиқ кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий воқеликни нотўғри идрок этишга, иродасини бўйсундириш ва агрессивликини шакллантиришга хизмат қиладиган носоглом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда экстремизмга қарши курашда ғоявий тарбия, ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Миробод тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислон университети ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида ўтказилган «Ёшлар онгида ёт ғояларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги ўқув-услубий семинар шу ва бошқа масалаларга бағишланди. Миробод туман ҳокимлигида ташкил этилган тадбирда туман МХХ, ИИБ вакиллари, «Диншунослик» фанидан дарс берувчи барча таълим муассаса ўқитувчилари, Маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, «Камолот» ЁИХ БТ етакчилари, диний маърифат ва ахлоқий масалалар бўйича маҳалла маслаҳатчилари, маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раислари ва бошқалар иштирок этишди.

Семинарда «Таълим муассасаларида ўқувчиларни турли ёт ғоялардан ҳимоялашнинг самарали услубларини янада такомиллаштириш масалалари» мавзусида чиқиш қилган Тошкент Ислон университети Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш факультети декани У. Фафуров таълим ва тарбиянинг аҳамияти, оммавий маданиятдан ҳимояланиш йўллари ва ота-оналарнинг фарзандларга ўрнак бўлиши ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг Тошкент Ислон университети «Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш» ЮНЕСКО кафедраси мудири, доцент Н.Муҳамедов узлуксиз таълим тизимини даққиншунослик фанларини ўқитишнинг долзарб масалалари юзасидан нутқ сўзлади. Ўқув-семинарда шунингдек, «Хотин-қизлар ўртасида миллий қадриятларимизга муносиб кийиниш маданиятини шакллантириш масалалари», «Интернет сайтлари: ёшлар онги ва қалби учун курашнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги қизиқарли маърузалар ҳам тингланиб, ёшларнинг турли оқимларга кириб қолиш сабаблари қаторида уларнинг дунёқараши торлиги, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ҳамма нарсага эга бўлишга интилиш омиллари ҳақида фикр юритилди.

Маърузалар ниҳоясига етгач, «Зиё» студияси томонидан тайёрланган «Жаҳолат сиртмоғи» номли ҳужжатли фильм тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Семинар сўнггида маърузалар юзасидан саволларга жавоб берилди.

Отабек ОТАЁВОВ

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАШНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, Ўзбекистон металлургия комбинати, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзкоммунахизмат» агентлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Жадал суръатда ривожланиб бораётган миллий иқтисодий тизимини энергия билан таъминлаётган электр энергетика тармоғининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини ошириш мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни ҳаятга муваффақиятли татбиқ этишнинг муҳим омилларидан биридир. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ саноат корхоналари олдига мамлакатимиз энергетика салоҳиятини янада юксалтириш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни электр ҳамда иссиқлик энергияси билан ишончли ва сифатли таъминлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш вазифаси қўйилган.

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида «N-COM SA» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда «Ишлаб чиқариш корхоналарини энергетик текшириш ва энергия тежашни бошқариш» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда энергияни тежаш масаласига тобора катта эътибор қаратишмоқда. Унинг иқтисодий тармоқлари ва уй-жой-коммунал хосхўси ривожланиш салоҳияти ғоят каттадир.

Семинарда йўналишлар бўйича энергетика аудити, қайта тикланадиган энергия манбалари, энергия тежашнинг иқтисодий таъминоти йўналишлари, энергия тежашнинг иқтисодий жиҳатлари, уй-жой-коммунал хўжалиги, саноат, қурилиш, иссиқлик энергетикасида энергияни тежаш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Таъкидлаш жоизки, улкан энергетика ресурсларига эга бўлган Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодий юқори суръатларда ривожланмоқда. Бунга саноатимизнинг етакчи тармоқларидан бири – электр энергетикаси барқарор юксалтириш натижасида эришилмоқда. Ўрта муддатли истиқболда ушбу соҳани ривожлантиришнинг асосий қоида ва йўналишлари энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, маҳсулот энергия истеъмолини камайтиришни кўзда туттади.

Тадбирда айна пайтда Навоий, Талимаржон ва Тошкент иссиқ-

лик электр станцияларида энергия тежайдиган буг-газ қурилмаларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш бошлангани таъкидланди. Ишга туширилаётган мазкур қурилмалар юқори техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлиб, ҳар бир иссиқлик электр станциясида йилга 360 миллион куб метр ҳажмда ёқилғи тежайиши қутилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда электр энергиясини тиждорий ҳисобга олишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этган ҳолда, электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини модернизация қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 2015 йилда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси корхоналари электр тармоқлари ва аҳолига энергия тежашни таъминлайдиган ва электр энергиясини ҳисобга оладиган қарийб 4,5 миллион замонавий электр приборлар ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Улар ҳам энергияни тежашга хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари Тошкентдаги Турин политехника университетининг технопарки билан танишдилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда олти мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Улар фуқароларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда яқиндан кўмаклашаётди.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ШАКЛЛАРИ

Шу боис юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Уларнинг давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланаётди. Айна кунларда кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинаётган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу мақсадларни ўзида мужассам этган.

Пойтахтимизда қонун лойиҳасини такомиллаштиришга бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатиде ижтимоий шерикликнинг шакллари кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ҳаятга жорий этилаётган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили амалда ўз самаларини бераётганини таъкидлади.

Давра суҳбатиде ижтимоий шериклик шакллари мазкур қонун лойиҳасининг муҳим йўналишларидан бири экани қайд этилди. Қонун лойиҳасида бу масалага алоҳида боб ажратилган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган мақсадли дастурларни ҳамкорликда амалга ошириш, соҳада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, биргаликда турли тадбирлар ташкил этиш, ижтимоий аҳамиятга эга масалаларда ахборот алмашиш, мулоқот ва маслаҳатлашишни йўлга қўйиш ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, эксперт гуруҳи аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда ижтимоий шерикликнинг шакллари кенгайтириш, унинг ҳар бир йўналиши бўйича амалга ошириладиган ишларнинг мазмун-моҳиятига оид маърузалар тингланди. Қонунни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

(ЎЗА)



АРХИВ СОҲАСИНИНГ ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ

Кейинги йилларда республикамизда архив соҳасини ривожлантиришга доир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан «Ўзбекистон республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

Мазкур ҳужжат билан айнан архив соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, архивларда сақланаётган миллий архив фонди ҳужжатларини электрон шаклга ўтказиш орқали фойдаланиш ва суғурта фондларини яратиш борасидаги ишлар белгиланди. Бинобарин, компьютер, Интернет бугунги кунда архив соҳасига кенг таъбиқ этилмоқда. Республикадаги мавжуд 100 дан ортиқ давлат ва 110 га яқин идоралараро шахсий ҳужжатлар архивлари компьютер ва тегишли ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган. «Ўзархив» агентлиги ва тизимдаги архив идоралари ўртасида тўлиқ электрон ҳужжат айланиши жорий этилди. Архивлар интернет орқали маълумот олиш имкониятига ҳам эга. Тошкент шаҳар давлат архивида сақланаётган ўта қим-

матли ҳужжатлардан 150 минг кадрдан ортиқ электрон нусхаси яратилди. «Ўзархив» агентлиги томонидан тақдим этилган архив ҳужжатларининг электрон нусхаларини тайёрлайдиган қурилма орқали эришилди. Айтилган архив ҳужжатларида омма эътиборидаги ахборотни ўз ичига олган электрон базалар яратилиб, уларга ахборот киритиш ишлари ҳам амалга оширилди. Шу билан бирга архивларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Матни сўниб бораётган архив ҳужжатларини тиклаш ва таъмирлаш учун қурилма ва жиҳозлар билан таъминланди. Ўзархив электрон ҳужжат алмаштириш ва бошқа бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадида эса архив муассасаларининг корпоратив электрон тармоғи ҳам юзага келди.

Ақбар АЛИЕВ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва мавқеини ошириш, моддий, маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий мақомини мустаҳкамлаш, қонун ҳужжатлари орқали уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳримиз туманларида ўтказилаётган хотин-қизларнинг ҳисобот сайлов конференциялари ҳам, ана шу хайрли мақсадлар йўлида муҳим бир босқич саналади.

Туманларда

ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот сайлов конференцияси Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтди.

Тадбирда хотин-қизлар кўмитасининг беш йиллик иш фаолияти сарҳисоб қилиниб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, янги режалар асосида кўмита ишини янада шакллантириб бориш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Ўтган йиллар давомида хотин-қизлар кўмитаси томонидан оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом оилани шакллантириш, ижтимоий ҳимоялаш, қизларни оилага тайёрлаш, тиббий маданиятни ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайё Пулатова хотин-қизларнинг фаолигини ошириш, ҳар томонлама билимларини юксалтириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш, меҳнат бозорини ташкил қилиш, вақтинча ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, касаначиликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, устоз-шогирд аъёнларини давом эттириш ва бошқа йўналишларда амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам ҳисобот берди.

